

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев
7 май куни Россия Федерацияси Президенти
Владимир Путин билан телефон орқали
мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари яқинлашиб келадиган байрам – фашизм устидан қозонилган Ғалабанин 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий табриклаб, мамлакатларимизнинг жасоратли фахрийларига, дўст халқларимизга соғлиқ-омонлик ва фаровонлик тилладилар.

Урушда елкама-елка курашган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган ота-боболаримизнинг мардлиги ва қаҳрамонлиги авлодларнинг миннатдор хотирасида абадий қолиши алоҳида таъкидланди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия Президентлари икки томонлама стратегик шериклик муносабатларининг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Кўп қиррали ҳамкорлик, аввало савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб вазиятга қарамай, мамлакатларимизнинг ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда. Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, транспорт соҳасида, шунингдек, инфратузилмани модернизация қилиш бўйича муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги кооперация кучаймоқда, маданий-гуманитар алмашинувлар, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик кенгаймоқда.

Президентлар бўлажак олий даражадаги тадбирларни пухта тайёрлаш муҳимлигига эътибор қаратдилар. Глобал инқирознинг салбий оқибатлари иқтисодий ҳамкорлик суръатига таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида савдо-ҳаракатларни янада бирлаштириш ва олдидан чора кўриш муҳимлиги қайд этилди. Ҳукумат раҳбарлари даражасида Кўшма комиссия ва Ҳукуматлараро комиссия доирасидаги ишлар давом эттирилади.

Мулоқотда коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ вазият муҳокама қилинди. Инқирозга қарши курашиш, шу жумладан, аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий кафолатларни кучайтириш, бизнесга ҳар томонлама кўмаклашиш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини қўллаб-қувватлаш, чекловларни босқичма-босқич юмшатиш борасида иккала мамлакатда амалга оширилаётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари пандемияга қарши самарали курашиш мақсадида савдо-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириб бориши ва яқиндан ҳамкорликни давом эттириши муҳимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, очик ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ХХР РАИСИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май куни
Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтган суҳбатда Ўзбекистон ва ХХР етакчилари икки томонлама ҳамкорликка доир ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни кўриб чиқдилар.

Давлат раҳбарлари коронавирус инфекциясига қарши давом этаётган курашнинг энг мураккаб даражасида ўзаро кўмак ва гуманитар ёрдамни катта мамнуният ва миннатдорлик билан қайд этидилар.

Апрель ойининг иккинчи ярмида ушбу хавфли вирус билан касалланганларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш соҳасида Хитойнинг улкан амалий тажрибага эга етакчи врачлари гуруҳи мамлакатимизда бўлди.

Президентимиз хитойлик мутахассислар юксак профессионал маҳорат намоиши этганликлари, уларнинг мамлакатимиз ҳудудларидаги машаққатли меҳнати пандемияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилганини алоҳида таъкидлади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари

тобора мустақамланиб бораётганидан далолат беради, деб таъкидладилар давлат раҳбарлари.

Икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиология назорати соҳасидаги идоралари ўртасида фаол алмашинувларни давом эттиришга келишиб олинди.

Шунингдек, кўп қиррали, шу жумладан, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молия, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа муҳим йўналишлардаги ҳамкорликнинг ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболлари батафсил муҳокама қилинди.

ХХРнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш асосида камбағалликни қисқартириш масалаларида самарали мулоқот бошлангани алоҳида таъкидланди.

Суҳбат натижаларига кўра икки томонлама олий даражадаги тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш ишлари давом эттирилади.

Икки мамлакат вазирлик ва идоралари, ҳудудлар маъмуриятлари, банк-молия институтлари ва етакчи компаниялари пандемиянинг салбий оқибатлари-

ни камайтириш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун янги имкониятларни излаш мақсадида ҳамкорликдаги ишларини фаоллаштиради. Булар, аввало, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва унинг мутаносиблигига эришиш, ишлаб чиқариш кооперациясини мустақамлаш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, юк ташиш ҳажмининг ўсиши учун қулай шароитлар яратиш, гуманитар дастурларни илгари суришдир.

Давлат раҳбарлари минтақавий аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида биргаликдаги савдо-ҳаракатларни мувофиқлаштириб боришга қатъий интилиш таъкидланди.

Суҳбат якунида Ўзбекистон ва Хитой етакчилари дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик руҳидаги кенг қўламли ҳамкорликни бундан буён ҳам кенгайтиришга тайёр эканликларини яна бир бор таъкидладилар.

ЎЗА.

ПРЕЗИДЕНТ КАРАНТИН ҚОНДАЛАРИГА ТЎЛИҚ АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАКЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши бошида коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

– Охири пайтда дунёда ҳар куни 90-100 минг нафар инсон бу вирусни юқтириб олмақда, – деди давлатимиз раҳбари. – Бугунга келиб, унга чалинганларнинг умумий сони

қарийб 4 миллионга етди. Минг афсуски, уларнинг 265 минг нафари оламдан ўтди.

(Давоми 2-бетда)

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 май куни Андижон, Навоий ҳамда Сурхондарё вилоятлари туман ва шаҳарларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос. Бир вилоят ичидagi туманларнинг имкониятлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси, Тош-

кент шаҳри ва вилоятлар иқтисодиётини ривожлантириш масалалари алоҳида, манзилли тарзда муҳокама қилиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

ҒАЛАБА БОҒИ

тарихни ўзида мужассам этади



«Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадиий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида муҳташам «Ғалаба боғи» бунёд этилмоқда».

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан).

ПРЕЗИДЕНТ КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА ТЎЛИҚ АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАКЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда касалликка чалинган беморларнинг 72 фоизи соғайди. Айни пайтда шифохоналарда 635 нафар бемор даволанмоқда. Хориждан қайтган ва беморлар билан мулоқотда бўлган 45 минг фуқаромиз карантинга олинган.

Биз жуда катта куч сарфлаб, кўп саъй-ҳаракатлар, халқимизнинг кўмаги ва чуқур тушуниши, сабр-тоқати билан Ўзбекистонда бу офатни жилаб турибмиз. Лекин барибир жуда ҳам зийраклик ва эҳтиёткорлик билан, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишимиз шарт. Бу хавф бутун дунёда бутунлай бартараф этилмас экан, хотиржамликка берилишга асло ҳақимиз йўқ.

Республикада эпидемиологик вазият барқарорлашганидан фойдаланиб, вирусдан холи ҳудудларда иқтисодиётни юргизиш юбориш ва одамларни даромад билан таъминлаш мақсадида карантин талабларини аста-секин юмшата бошладик. Бунда биз аҳолининг карантиндаги турмуш шароитини яхшилаш учун

уларнинг кўплаб муурожаатларини ҳам инобатга олдик.

Ўтган селекторда берилган топшириққа мувофиқ, Республика комиссияси томонидан 8 майдан бошлаб, инфекция аниқланмаган ёки беморлар тўлиқ соғайган Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари «яшил», охириги 14 кунда вирус аниқланмаган, лекин даволанаётган беморлар бўлган Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри «сарик», доимий равишда инфекция аниқланаётгани учун бошқа ҳудудларнинг барчаси «қизил» тоифали ҳудуд деб эълон қилинди.

Шунингдек, минтақаларнинг тоифасига қараб, рўхсат этиладиган хизмат турлари ҳам аниқ ва тушунарли қилиб белгилаб берилди. Албатта, «яшил» ҳудудларда кўпроқ, «сарик»да камроқ, «қизил»да чекланган сондаги хизматлар кўрсатилади.

Такрор ва такрор айтаман, жаҳонда, айниқса биз яқин ҳамкорлик қиладиган давлатларда пандемия тўбора кучайиб бораётганини, бу ҳолат бизга ҳам катта хавф солиши мумкинлигини асло унутмаслигимиз

керак. Шу сабабли барчамиздан ҳушёрликни янада ошириш талаб этилади. Бу борада, фаолиятини умуман тўхтатмаган корхоналарда ҳам, ўз ишини қайтадан бошлашга рўхсат берилган соҳаларда ҳам вирусга қарши курашиш бўйича чекловлар сўзсиз бажарилиши керак.

Яна бир бор такрорлайман, ҳар биримиз карантин ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб, ўзимиз, яқинларимиз ва халқимизнинг соғлигини ҳимоя қилиш учун масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур ва шарт.

Шу билан бирга, «сарик» ва «қизил» тоифадаги вилоятларда касаллик умуман аниқланмаган туманлар ҳам борлигини инобатга олиш лозим. Худди шундай, эртага «яшил» вилоятдаги бирор бир туманда касаллик аниқланмаган бўлса, бутун вилоятнинг тоифасини ўзгартириш шарт эмас, – деди Президентимиз.

Республика комиссиясига ҳудудларни тоифага ажратишни туман ва шаҳарлар даражасида белгилаш бўйича топшириқ берилди.

Ў.А.

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРСАТИБ ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИГА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛАРИ БИЛАН БИРГА АНДИЖОН, НАВОИЙ ВА СУРХОНДАРЁДА 33 ГЕКТАР ЕР ВА 5,3 МИНГ КВАДРАТ МЕТРЛИ БЎШ БИНОЛАРДА 10 ТА ЯНГИ КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари жойларга чиқиб, аҳоли билан гаплашиб, белгилаётган чора-тадбирларнинг долзарб ва амалий бўлишига катта эътибор қаратмоқда.

– Шунча саъй-ҳаракатларимиз, қабул қилаётган қарорларимиз қишлоқдаги оддий одамлар ҳаётига нима ўзгариш олиб кираётти, даромади кўпайди, ишга жойлашди, боласи ўқишга кирди, уйи-жойи бўлди, тўйиб овқатланаётми, тоза сув ичяптими, деган саволлар мени жуда қийнайди. Бу барча даражадаги раҳбарлар халқимиз олдида жавоб бериши керак бўлган энг асосий саволлардир, – деди Президент.

Марказдаги раҳбарлар қарорлар қабул қилишда ҳокимларнинг умумий ҳисоботлари билан кифояланиб қолмастган танқид қилиниб, бундан буён ҳудудларга оид ҳар бир масалани аниқ туман, қишлоқ, маҳалла, соҳа ва корхона кесимида, муаммонинг энг куйидаги илдизигача тушиб, уни ҳал қилиш зарурлиги таъкидланди. Дастурлар ишлаб чиқишни ҳар бир қишлоқдан бошлаб, қайси қишлоқда қайси йўналишни ривожлантириш, бунга қанча маблағ ажратилиши кераклигини аниқ кўрсатиш талаби қўйилди.

Масалан, Сурхондарёда 55 мингта, Андижонда 41 мингта, Навоий вилоятида 14 мингта оилани камбағалликдан чиқариш лозим. Кичик корхоналарни кўпайтириш, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш зарур.

Йиғилишда бунинг учун урта йўналишдаги ишларга қўшимча туртки бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Биринчи йўналиш – саноатни ривожлантириш, мавжуд хомашўни чуқур қайта ишлаш, ҳар бир туман, қишлоқ ва маҳаллани ихтисослаштириш.

Андижон, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида ишлаб чиқаришнинг асосий қисми битта тармоққа ёки республика тасарруфидидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Жумладан, Андижонда саноят ишлаб чиқаришнинг 69 фоизини машинасозлик, Навоийда эса 72,5 фоизини кон-металлургия ташкил этади. Сурхондарё саноатининг мамлакатдаги улуши 1,5 фоиз, яъни ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса атиги 8 фоиз бўлиб, республикада энг паст кўрсаткичлардан биридир.

Йиғилишда ушбу ҳудудларда саноят тармоқларини диверсификация қилиш учун барча имкониятлар борлиги таъкидланди, бу борадаги чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, Андижон вилояти Ҳўжабод туманида ташаббускорларга 32 та тикув-трикотаж корхонаси учун жой ажратиш бўйича кўрсатма берилди. Бу корхоналарда 6,5 мингта иш ўрни яратилади.

Булоқчи тумани тоғ ҳудудидаги конларни ўзлаштириб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Олтинқўл тумани Ижтимоат маҳалласида мебель тайёрлашни саноят даражасига олиб чиқиш мумкинлиги қайд этилди.

Асака туманидаги автомобиль заводи яқинида, унумдорлиги паст ерларда кичик саноят зонаси ташкил этиб, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича топшириқ берилди.

Навоий вилояти Нурота туманидаги «Сувлиқ Гранит» конининг электр тармоғини реконструкция қилиш орқали Истиқлол маҳалласидаги 450 нафар аҳолини иш билан таъминлаш мумкин. Томди туманида фосфорит, шиша, цемент, пардозбоб қурилиш тошлари ва оҳақтош захиралари мавжуд. Учқудуқ туманида қайта геологик ўрганишлар ўтказилса, яна кўп имкониятлар очилади.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида гиламдўз хунармандлар бор. Бандихон туманида эса гилам учун зарур хомашў – қўй ва эчки жуни кўп. Мазкур қўшни туманлар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш орқали йилга 85 тонна жун ва терини қайта ишлаш мумкин.

Олтинсой туманида электр таъминоти яхши эмаслиги сабабли йилга етиштирилаётган 80 минг тонна ушун ва 13 минг тонна галлани қайта ишлаш имкони чекланмоқда. Шунингдек, у ерда қурилишда талаб бўлган 10 миллион тонна пардозбоб тош захираси мавжуд.

Давлатимиз раҳбари шу каби кўплаб имкониятларни кўрсатиб ўтиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар бер-

ди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазириликка вилоят ҳокимлари билан бирга Андижон, Навоий ва Сурхондарёда 33 гектар ер ва 5,3 минг квадрат метрли бўш биноларда 10 та янги кичик саноят зонаси ташкил этиш вазираси қўйилди.

Иккинчи йўналиш – жойларда инвестицион ва туристик салоҳиятини ошириш, сервис хизматларини яхшилаш учун инфраструктура объектларини ривожлантириш.

Йиғилишда Андижон, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида бу борадаги ҳолат туманлар кесимида таҳлил қилинди.

Мисол учун, Хонобод шаҳрининг хизмат кўрсатиш бўйича Андижон вилоятидаги улуши бор-йўғи 1 фоизни ташкил этади. Аслида у ердаги ерости маъданли сувларини ўзлаштириш орқали соғломлаштириш туризмни йўлга қўйиш, шифобахш сув ишлаб чиқариш имконияти бор.

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Тўдакўл сув омбори ҳамда Навбахор туманидаги «Сармишсой» ҳудудига олиб борувчи йўллари таъмирлаш ва туристик зоналар ташкил этиш орқали уларга сайёҳлар оқимини бир неча баробар кўпайтириш мумкин.

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида бирорта бозор йўқ. Бундан ташқари, туман ҳудудидан ўтган «Мангузар-Термиш-Денов» автомобиль йўлида замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этса бўлади.

Йиғилишда хизмат кўрсатишнинг шу каби барча захираларини ҳисоб-китоб қилиб, уларни ишга туширишга тадбиркорларни жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Учинчи йўналиш – қишлоқ ҳўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва шу орқали иқтисодий ўсishни таъминлаш.

Андижон тумани Миробод маҳалласи аҳолиси қалампир экиб, йилга 2 минг тоннагача ҳосил олмаққа. Бундан ташқари, бошқа ҳудудлардан йилга 3-4 минг тонна сотиб олиб, қайта ишлайди. Изобоскан тумани Юқори Чувамма маҳалласидаги мингта хонадонда тоғ ёнғоғи ва ерэнгоқ етиштирилади. Ушбу омилкор одамларга қўшимча ер ажратилиш орқали маҳсулотларни қайта ишлаш ва иш ўринларини кўпайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Навоий вилоятида 8 миллион гектардан ортиқ яйлов ерлари бўлиб, чорвачиликни, айниқса, қўй ва эчкичиликни ривожлантириш учун катта имконият мавжуд. Бунинг учун қудуқлар қазиб, янги чорва ҳўжаликлари ташкил этиш зарур. Натижада 500 дан ортиқ киши меҳнат билан банд бўлади. Қайд этилганидек, бу чорвачилик лойиҳалари намуна сифатида амалга оширилиб, Навоий тажрибаси яратилади.

Сурхондарё вилоятининг табиий иқлим шароити бошқа ҳудудлардан фарқ қилиб, воҳода икки-уч марта ҳосил олиш, иссиқсевар ўсимликлар етиштириш имконияти мавжуд.

Мисол учун, Шеробод тумани анорларига талаб юқори. Лекин, анорзорлар атиги 32 гектарни – тумандаги экин майдонларининг 0,1 фоизини ташкил қилади. Ҳосилдорлиги паст пахта ва галла майдонлари ўрнида анор плантациялари барпо этилса, 10 баробар кўп даромад олиш, 30-40 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш мумкин.

Музработ туманида 2 минг, Қумқўрғон туманида 1,2 минг гектар фойдаланишдан чиққан ерларни ўзлаштириб, банд бўлмаган аҳолига бўлиб бериш ва эртани маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш кераклиги таъкидланди. Бунинг натижасида қарийб 4 мингта янги иш ўрни яратилади.

Йиғилишда асосий ва боғ-тоқ қатор ораларига экин экиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини кўпайтириб, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш масалаларига яна бир бор тўхталиб ўтилди.

– Ҳар бир раҳбар ўз иш услубини ўзгартириб, оддий одамларнинг имконияти ва кўникмаларини инобатга олиб, амалий лойиҳалар қилинсагина тезроқ натижа бўлади. Қишлоқда, маҳаллада ўзгариш бўлса, иқтисодиёт ҳам ривожланади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида Андижон, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари, тармоқлар раҳбарлари ҳисобот берди.

Ў.А.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилиб, экспорт ҳажмини ошириш учун экспорт қилувчи корхоналарга молиявий кўмак бериш механизми яратилди.

Жаҳон бозорларида рақобат кескинлашиб бораётган шароит маҳсулотлар экспорт ҳажмини ошириш орқали янги бозорларга кириб бориш ва аъъанавий бозорларда ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш зарурлигини юзага келтирмоқда.

Экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ–4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суурта ҳимояси механизминини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий этилган маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми маҳсулотларни автомобиль ва ҳаво транспортида экспортга ташишга ҳам татбиқ этилсин.
- Экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссиясига (С. У. Умурзаков) (кейинги ўринларда – Республика экспорт комиссияси) экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхатида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, субсидиялар тақдим этиш шартлари ва миқдорларини белгилаш ҳамда тартибини тасдиқлаш, шунингдек, маҳсу-

лот тури, ҳажми ва экспорт йўналишига қараб субсидиянинг қатъий миқдорларини белгилаш ваколати берилсин.

Республика экспорт комиссияси бир ҳафта мuddатда маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га маҳсулотларни экспорт қилишда, шу жумладан, 2020 йил 1 апрелдан буён амалга оширилган экспорт бўйича автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартибини тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан экспорт операциялари бўйича олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирувчи амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан жорий қилинган барча турдаги мажбурий тўловлар ва ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжудлигини текшириш амалиёти 2021 йил 1 январга қадар бекор қилинсин.
4. Белгилансинки, экспорт қилувчилар гаров сифатида суурта хизматларидан фойдаланганда суурта муқофотини қоплашга Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан компенсациялар тақдим этилади.
5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг харажатлари учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратсин ва 2021 йилдан ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бир ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.
8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2020 йил 7 май

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ РАҚАМЛАШТИРИЛМОҚДА



2020 йил 6 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитасида Қурилиш вазирлигининг «Соҳада коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Тадбирда қурилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупцияга шариот яратувчи нормалар ва бюрократик ўтказиларга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлар бу борадаги фаолиятда коррупция ва бюрократиянинг олдини олиш билан бирга қонун ҳужжатларини амалиётда тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини тубдан қайта қўриб чиқиш лозимлигини таъкидладилар.

Ўз навбатида вазирлик мутасаддилари Президентимизнинг 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5963-сон фармони билан вазирлик қошида аниқ мақсадга хизмат қилувчи Қурилишда техник меъёрлаш маркази ташкил этилгани ҳақида маълумот беришди. Ушбу марказ ҳозирда амалдаги нормаларни хатловдан ўтказган ҳолда, шаҳарсозлик меъёрий ҳужжатларини мунатазам аниқлаб, уларни замон талабларига мос равишда ислох қилиб бориши, янги нормаларни киритиш, зарур ҳолларда маънан эскирганларини бекор қилиш хусусидаги ишларни ҳам амалга ошириши айтилди.

Шунингдек, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорларида «Комплаенс назорат» тизимини жорий этиш юзасидан Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда Қурилиш вазирлиги тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида мазкур тизимни жорий этиш юзасида музокаралар ўтказилиб, улар билан шартнома имзоланиш арасида экани қайд этилди. Мазкур тизим орқали соҳадаги нормативларда ва қурилиш фаолиятида коррупцион омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан ҳулосалар ва таклифлар тайёрланади ҳамда ана шу таклифлар асосида тегишли нормативлар қабул қилинади, зарур ўринларда нормативларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади.

Эшитишда Олий Мажлис депутатлари томонидан қурилиш объекти бўйича ўтказилмайдиган тендер (танлов) жараёнида энг кўп коррупция ҳолатлари рўй бериши алоҳида таъкидланди.

Вазир ўринбосари Эркин Искандаров, бу борада бир қатор самарали ишлар аллақачон бошлаб юборилгани хусусида батафсил тўхтади.

Хусусан, барча танлов савдолари электрон тарзда ўтказилиб, қурилиш пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини билан биргаликда янги жорий этилаётган «Шаффоф қурилиш»

милий ахборот тизимига интеграциялашув айтилди. Эндликда пудрат ташкилотларнинг иш тажрибаси, ходимлари, хусусан малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва ҳаттоки, тўланган солиқларига бўлган кўрсаткичлар ушбу электрон рейтингда жамланиши таъкидланди. Бир сўз билан айтганда, бюрократлар пудрат ташкилотлари орасидан энг муносибларини танлаб олиш имконига эга бўлишди. Натижада, соғлом рақобат шаклланиб, сифат яхшиланишига эришилди. Энг муҳими, буларнинг барчаси инсон омилни чеклаган ҳолда тўлиқ рақамлаштирилган тарзда амалга оширилди.

Эшитув якунида Қурилиш вазирлигида қурилиш соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларидаги коррупцияга шариот яратувчи нормаларни бартараф этиш, ўтказилмайдиган танлов (тендер)ларни ахборот технологияларини жорий этган ҳолда онлайн режимда ташкил этиш ишларини жадаллаштириш, қурилиш соҳасида қонуности ҳужжатларини қисқартириш, ноаниқлик келтириб чиқарувчи ёки жисмоний ва юридик шахсларга қўшимча мажбурият юкловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ва қўшимчалар киритиш чораларини кўриш, вазирлик тизимида Жамоатчилик кенгашининг коррупцияга қарши курашишдаги иштироки ва ролини оширишга кўмаклашиш вазифалари ижроси айнан бугун ҳар қачонгиданда долзарблиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Матбуот хизмати.

Улар бизнинг ёдимизда

Машъум Иккинчи жаҳон уруши тугаганига ҳам 75 йил бўлди. Бироқ унинг қайғу ва ҳасратлари ҳамон сақланиб қолмоқда.

Уруш йилларида халқимиз мард йигитларидан жудо бўлди, юзлаб жувонлар бева, болалар етим қолди. Фарзанд доғи мунис оналар, кекса оталар қалбини фарёдга тўлдирди. Ёшу қари фронт ортида меҳнат қилиб, борини уруш майдонидидаги ватан ҳимоячиларига берди. Бу уруш қаҳрамонлари жасорати хотирамизда мангу яшайди, ҳозир ораимизда борлари юксак ардоқланади.

Бу йил ҳам мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлашга пухта тайёргарлик қўрилмоқда. Биз қалам аҳлининг ушбу санга бағишланган мақолалар тайёрлашимиз, ушбу дорилмон кунлар учун жон фидо қилган ота-боболаримиз руҳи покка билдирган эҳтиромимиз нишонаси бўлади. Мана шу кутлуғ сана арафасида камина архивимдаги айрим ҳужжатларни кўздан кечириш асосида қуйидаги мақолаларни ёзишга жазм этдим.

КАМТАР ҲАЁТ КЕЧИРГАН ҚАҲРАМОНЛАР

Мақтабда ўқиб юрган кезларим ўқитувчиларимиз Каттахўжа Қайумов, Марзия Қодирова, Бува-бувиларимиз ва бошқалардан жанг майдонидидаги қаҳрамонликлар, ота-онамиздан фронтортидаги қийинчиликлар ҳақида кўплаб ҳикоялар эшитганман. Ана шу ҳикоялар асосида ёзилган кўплаб ҳикоя ва очеркларим матбуотда эълон қилинган.


Айниқса, тарих ўқитувчимиз Каттахўжа аканинг сўзлари орқали жанг майдонларидаги қаҳрамонликлар ҳақида тўлиқ таассуротга эга бўлардик. У кишининг кўксини тўлдириб турган ўша даврнинг юксак орден ва медаллари қайси жанглар учун берилгани ҳақидаги узундан узок, гоҳида уйга толиб, гоҳида энтиқиб ҳикоя қилишлари ҳамон кўз ўнгимда. Кези келганда мактабда ўқийётган вақтим ўқитувчимизнинг Днепр дарёси яқинидаги жанг таассуротларидан жамланган ҳикоялари асосида «Днепр бўйидаги жасорат» номли очерким Буюк Ғалабанинг 35 йиллиги арафасида ёшлар газетасида чоп этилган. Газетанинг бир нусхасини олган

қатор шаҳарларига бориб келиб, улар асосида мақолалар ҳам ёзганларим ҳамон ёдимда.

Тўғаракка қатнаб юрган кезларим маҳалламиздаги бўйи унчалик баян бўлмаган, доим ерга қараб юрвучи бир рус киши диққатимни тортарди. Ўша йиллар тахминан бўйича у урушга қақир-қайирида ёшда бўлмаса керак деб ўйлардим. Кунларнинг бирида унинг оқ кўйлагидида «Олтин Юлдуз» нишонига кўзим тушиб қолди. Ҳақиқий изқуварлар каби бир неча кун изини таъқиб қилдим. Қилган ишим натижасини берди.

Кейинчалик Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Иванович Гулин билан яқиндан танишишга, хонадонидида бўлиб суҳбатлашишга, унинг уруш хотираларини тинглашга, мушарраф бўлдим.

Юрий Иванович Гулин 18 ёшида, 1944 йилнинг июль ойида Украинанинг Запорожье вилоятидан Совет Армияси сафига қақирилиб,



Юрий ГУЛИН

ҳарбий билим юртида ўқичиликка ўқитилади ва 1945 йил январь ойида Улуғ Ватан уруши жангларига 1-Белоруссия фронтининг 5-зарбдор армия 89-гвардия ўқчи дивизияси 267-гвардия ўқчи полкида ўқчи сифатида киришади.

Унинг ҳикоясига кўра, қаҳрамонлик унвони Польшани озод қилишдаги жанглар учун берилган экан. 1945 йил 14 январь куни душман ҳимоясини ишғол этиш пайтида ёш Юра немис дзотига писиб бориб, уни портлатади, шундан сўнг фашистлар траншеясига бостириб кириб, 10 дан зиёд аскар ва зобитларни ер тишлатади. 17 январда эса Висла дарёсининг ирмоғи ҳисобланган, Польшанинг жанубий-марказидан оқиб ўтувчи Пилица дарёсини кечиб ўтиш вақтидаги жангга ўз бўлинимасида биринчилардан бўлиб ғарбий соҳилга ўтиб душман пулемёти нуқтасини яқсон қилади.

СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 27 февралдаги фармонида кўра гвардиячи аскар Юрий Гулин немис босқинчиларига бўлган жангларда кўмондонликнинг жанговор топшириқларини аъло даражада бажаргани ва бунда кўрсатган жасорати ҳамда қаҳрамонлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлади. Унга «Ленин» орден ва «Олтин Юлдуз» нишонини 1-Белоруссия фронтининг ўша даврдаги кўмондонини Совет Иттифоқи Маршали Георгий Жуков топширганини ҳаяжон билан сўзлаб берганди. Жанг майдонларидаги жасоратлари учун у кейинчалик I даражали «Ватан уруши» орден ва бир қатор медаллар билан мукофотланган.

Урушдан кейин 1946 йилда старшина унвонидида Юрий Гулин ўзи туғилиб ўсган Украинага эмас, балки иккинчи Ватани Узбекистонга келиб қолиши тарихини ҳам сўзлаб берганди ўшанда. Собиқ Совет Иттифоқининг бошқа республикалари каби Узбекистондан ҳам жуда кўплаб йигит-қизлар урушга юборилиб, уларнинг аксарияти жанг майдонларидан қайтишмаган. Кадрлар етишмовчилиги сабабли армия сафидан озод этилган ёшларни йўлланма билан турли жойларга ишларга юборишарди. Ана шундай йўлланма асосида 20 ёшли Юрий Иванович республикамиз Ички ишлар вазирлиги тизимида ишлашга юборилади. Йиллар давомида Юрий Ивановичнинг хонадонидида кўп марта бўлдим. Баян турар жой биносининг 4-қаватида ўта содда, камтарона буюмлар кўйилган хонадонда яшар эди у.

Ҳамон ёдимда «Шарқ» НМАК биносига кираверишининг чап томонидан юртимизда истиқомат қилувчи Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг фотосуратлари илиниб турарди. Тўғаракимиз савий-ҳаракати билан ана шу Қаҳрамонлар қаторига Юрий Иванович Гулиннинг ҳам фотосурати илинди. Яна қувонарлики, Узбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан пойтахтимизнинг Олмазор туманида барпо этилган Ғалаба боғидида «Қаҳрамонлар тепалиги»да 310 нафар ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари қаторида Юрий Иванович Гулиннинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.

Вақти келиб Юрий Гулин қаҳрамонлиги ҳақида каттарок очерк ёзишни диллимга тугиб қўйгандим ўшанда. Афсуски, у 1988 йилда вафот этди. Диллимдаги армонимни эса шу кичкина ҳикоямда баён этишга ҳаракат қилдим.

БУВАМНИНГ ВАСИЯТИ

Ҳужжатлар орасида сарғайиб кетган бир парча қоғоз эътиборимни тортди. Қоғоздаги ёзувлар бир текисда, хатбошига эса «Тирик бобонг орузи» деб сарлавҳа ҳам кўйилган. Унда шундай ёзувлар бор:

«Набирам Дилшод! Сен туғилганинда биз, Зоҳида бувинг билан жуда қувонганмиз. Сенинг биз томонга талпиниб туришларинг ҳамон ёдимда. Мана энди ўша кунлар ўтиб кетди, сен вояга етдинг, журналист бўлиб етишдинг.

Машъум уруш асоратлари бизни тез қаритди. Қариллик туфайли куч-қувват ҳам илгаригидек эмас. Бувинг билан мен сенга жуда ишонганмиз. Урушда барча билан бирдек жанг қилдим, душман концлагерлари азобини кўрдим. Пайти келганда сенга сўзлаб берганларим ҳақида бирон нима ёзарсан деган умиддаман. Тирик бўлсам ўқиб хурсанд бўларман...

Бувам Саидмахмудхўжа, 1987 йил.»

Мақтубнинг қисқача мазмуни шундай. Ёшлигимизда бувам уруш даврларини, у ерда бўлиб ўтган жангларни кўп бора сўзлаб берганди. Албатта, ўйинқароқлик вақтимиз у ҳикояларни биз болаларча тасаввур қилардик. Ёшимиз улғайгани сари бувамнинг, айниқса тўғаракка қатнаб юрган кезларим уруш қатнашчиларининг ҳикоялари, қақшатқич жанглар кечган Россия, Белоруссия, Украина шаҳарларидаги музейлар, ўрмонларида тарих учун сақлаб қолingan партизан бўлимагарининг блиндажларини кўрганимда урушнинг қанчалар машъум эканини англай бошлагандим.

Бувам ўзлари яшаган Калинин (ҳозирги Зангиота) туманидаги Қурилош маҳалласида жуда бообўр киши бўлган. То умрининг охиригача иззат-икром уни тарк этмади. Бувам табиятан самимий, элпарвар ва дастурхончи оқик инсон эди. Ҳар доим хонадонидан сўраб келувчилар, меҳмонлар сафи узилмасди. Дутор ва най чалиш, танбур чертишни хушқўрувчи дилкаш инсон бўлганини ҳали-ҳануз эшитаман. Ёшлик вақтларида даврнинг етук санъаткорлари билан баҳамжиҳатлик бўлгани боис ханго-маларга анча пишққ эдилар. Ҳатто, уйларидаги деворларда ёшлик ҳасратидан қолган дустор, танбур ва най илиғлик турарди. Ҳар замонда биз меҳмонга борганимизда чалиб беришларини илтимос қилардик.

Бувамнинг ҳикоясига кўра, у Тошкентнинг қоқ маркази «Чақар» даҳасида катта савдогар Инағом бува (ўша даврда «Инағом купец» номи билан машҳур бўлган) оиласида туғилган экан. 23 ёшида, яъни 1939 йили бувининг қўлларида онам, ҳали туғилмаган холамни қолдириб Совет Армияси сафига қақирилган экан. У вақтлар армия сафидида хизмат қилиш 3 йиллик бўлгани сабабли бувам урушнинг дастлабки зарбаларини ўзлари хизмат қилган Польшанинг Ковель шаҳрида 1941 йилда қабул қилганини сўзлаб берганди. 1941 йилнинг 22 июнь куни фашистлар Совет Иттифоқиға ҳужум қилган пайти улар хизмат қилаётган 5-армиянинг 45-дивизиясига қарашли 231-полкнинг 9-ротаси душман ортида Польша ҳудудида қолиб жангини давом эттирган.

Бувам шу ҳикояларини сўзлаб берар экан, болалик онгимиз билан (у кишини жасур аскар тимсолида тасаввур қилган бўлсак керак)

– Бува, нечта немис ўлдиргансиз, – деб қизиқсиниб сўрардик.

Бувам ҳам бизнинг бу қизиқшимизни қондириш мақсадидаими ёки ҳақиқатан ҳам шундай бўлганми, хуллас:

– Битта жангда 10 та душман аскарини найзам билан, кейинги жангларда эса яна анча-мунчасини автоматимда отиб ўлдирганман, – деб жавоб қайтарганди.



НИҒМАТХЎЖА ИНАҒОМОВ

Ҳикояларининг бирида душман танкини қандай портлатганини сўзлаб берганди. Ўша вақтлари ойна жаҳон орқали Улуғ Ватан уруши жанглари ҳақидаги кинофильмлар берилса, уларда душман танкларини портлатиш саҳналарини кўрганда, ана шу жасорат кўрса-



таётган жангчиларни бувам дея тасаввур қилардим.

Салкам бир йиллик қонли жанглар ва ҳеч қаердан ёрдам келавермаганидан сўнг ҳар томондан сиқувга олинган бувамнинг ротаси асирга туширилади. 1944 йилгача Польша, кейинчалик Франция ва Америкада турли ишда мажбурлаб ишлатишади. Америка уруш каолициясига қўшилгач, у ердаги асирларни Совет Иттифоқиға қайтариши сабабли бувам ҳам Владивосток шаҳрига олиб келинади. Бироқ,



САИДМАХМУДХЎЖА ИНАҒОМОВ

шахтасида салкам 10 йил ишлаган. Замонни қарангки, 10 йил ўтиб ҳам бувам ўз она юртига қайтиб келишни имконини қилолмаган. Шу сабабли ҳам у кишини «тутқин»ликдан ўша йиллари Москвада партия Марказқўмида хизмат қилаётган укалари Ниғматхўжа буваимиз ва бувим Зоҳида ая халос этиб олиб келишади.

Урушдан кейинги йилларда бувам ўзлари ўқиган мактабда она тили ва адабиётдан ўқитувчи, ўқув ишлари бўйича мактаб директорининг ўринбосари, кейинчалик Гидрогеофизика экспедициясида ишлаганликларини сўзлаб берганлари ёдимда.


1975 йил бувам учун жуда қувончли йил бўлган. Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги нишонлаши кезларида у кишини туман ҳарбий комиссариатидан йўқлаб қолишади. Минг таажжуб билан у ерга борган бувамга 1941 йилда жанг майдонларидаги кўрсатган қаҳрамонликлари эътироф этилиб «Жасорати учун» медали билан тақдирланганликлари тўғрисидаги гувоҳнома ва нишон топширилган эди.

Бувам тўғрисида ушбу мақолани ёзганман уруш қатнашчилари бўлган отам ва онамнинг амакилари, тоғалари бўлмиш – ҳаётим даврида укариб, суҳбат қурган буваларим Ниғматхўжа Инағомов, Қудрат Азизхонов, Фулом Умархонов, Олим Қосимов, Қрим учун Қора денгиз узра қилинаётган жангларда самолётда уриб туширилиб 25 ёшида Ватан учун ҳалок бўлган учувчи-майор Маҳаммадқосим Қосимов ва бошқа ўнлаб қавмларимизнинг тимсоли кўз ўнгимда бирма-бир намоён бўлмоқда. Уларнинг барчалари бизнинг бутунги мусаффо осмон остида яшашимиз учун жон фидо этганларини биргина мақолада тасвирлаш жуда қийин. Вақти келиб уларнинг ҳар бири ҳақида очерклар ёзилганда барчасини батафсил сўзлаб бериш фурсати бўлади.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага 75 йил тўлди. Бу ғалаба, шак-шубҳасиз, ўзбек халқи учун бебаҳо аҳамиятга эга. Негаки, бу урушда ёвуз кучларга қарши курашда фидойилик ва жасорат намуналарини кўрсатиб, юртимизнинг миллионлаб асл фарзандлари қаҳрамонларча ҳалок бўлди, бедарак кетишди, қўл-оёқсиз, но-



ҚУДРАТ АЗИЗХОНОВ



ФУЛОМ УМАРХОНОВ

гирон уйга қайтишди. Йиллар ўтсада, урушда сўнгги нафасигача курашган, ўз бурчида содиқ қолган барча юртдошларимизнинг хотираси қалбимизда мангу яшайди.

Дилшод ЖАЛОЛОВ.

Фашизмга тўп билан ҳамла қилган қаҳрамон

– Янглишмасам, қаҳрамонлик унвонини Днепрдан кечиб ўтиш ва Киевни озод қилишдаги жасоратингиз учун олган эдингиз, шундайми?
– Худди шундай, ўртоқ Маршал.
– Яшанг, мана ўшандан бери бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Тўпчимингиз?
– Худди шундай. «ЗИС» тўпининг наводкачисиман (мўлжалга олувчи).
– Бу тўпда қачондан бери ишлайсиз?
– Бир йил бўлди. Олдин полковушка тўпида ишлар эдим.
– Қайси бири сизга кўпроқ ёқди, «ЗИС»ми, полковушками?
– Албатта «ЗИС», у «Тигр»ни осонгина яқсон эта

олади, тўппа-тўғри мўлжалга олиб отишга жуда қулай, тез ва енгил айланади...
Яна бироз суҳбатдан сўнг, маршал орденни тақиб учун шайланар экан:
– Буни қаранг-а! Кўксингизда орден тақадиган жой ҳам қолмапти-ку! – дея кулиб кўяди.
Иккинчи жаҳон уруши олови айни авжга чиққан кезлар ўзбек фарзанди, наманганлик қаҳрамон Абдусаттор Раҳимовнинг Совет Иттифоқи маршали Родион Малиновскийдан II даражали «Ватан уруши» орденини қабул қилиб олиш маросимидаги суҳбат шундай кечган эди. Абдусаттор Раҳимов душманга қарши курашишдаги кўплаб жасоратлари билан совет армиясида тилга тушади...



1920 йил 20 январь кuni Наманган шаҳрида яшовчи Раҳимовлар хонадонидида ўғил фарзанд дунёга келди. Оила аъзолари яхши ният билан чақалоққа Абдусаттор дея исм қўйдилар. Ҳар тарафлама комил йигит бўлиб улғайган Абдусатторнинг шаҳардаги 16-мактабда саводи чиқди. У 3-мой тозалаш заводидида болға терувчи бўлиб ишлади. Болаликдан серташвиш ҳаёт қозонида қайнади, меҳнатда тобланди.
1941 йил апрель ойида Совет армияси сафига чақирилиб, Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан фронтга жўнатилди. У 162-ўқчи дивизияси 501-ўқчи полкида хизмат қила бошлайди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган йигит ҳарбий хизматнинг илк кунлариданоқ жасорат кўрсата бошлади. У Ғарбий фронтнинг Витебск ва Смоленск яқинидаги жангларда иштирок этиб, у ерда биринчи марта жароҳат олади. Ундаги ирода ва матонат, юртин душмандан озод қилиш иштиёқи тезроқ оёққа туришга, яна жанг майдонига киришга ундади. Декабрь ойида Москва яқинидаги жангда у иккинчи марта ярадор бўлади.

Унинг номи ўша даврда Совет армияси аскарлари учун урушда қон кечган сафдошлари душманга зарба бериш, фашизмни яқсон қилишда Абдусаттор Раҳимовдек бўлишга интилгани шубҳасиз.
Уруш давридаги матбуот наманганлик юксак жасорат соҳибининг ғалабали одимлари ҳақида бот-бот бонг уриб турди. Нашр этилган газеталарни арақлаб, ўзбек ўғлонининг юксак ғалабалари ҳақида ўқиб, қалбингиз фахр-ифтихорига тўлади.
Хусусан, «Сталин ҳақиқати» газетасининг 1945 йил 7 февралдаги 25-сонидида «Наманганлик Раҳимов – Совет Иттифоқи қаҳрамони» бош сарлавҳаси остида маршал билан суҳбати ҳамда А. Раҳимовнинг жасоратлари берилган. 1976 йили эса «Совет Ўзбекистони» газетасида «Берлин комендант» мақоласи эълон қилинган. Ҳарбий журналист Мумтоз Мухаммедов қаламига мансуб мақолада россиялик адиб Сергей Смирнов ва Абдусаттор Раҳимовнинг дўстлик алоқалари, кўрсатган жасоратлари ҳикоя қилинади.

Абдусаттор Раҳимов Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин ўқиди, оила қурди. Юрт равнақи йўлида турли соҳаларда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритди. Унинг фарзандлари бугун юртимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилиб келмоқда.
– Ёшлигимда отамнинг кўксини беэза турган шода-шода орден ва медалларга боқиб, жуда фахрланганман, – дейди А. Раҳимовнинг қизи Муаттара Раҳимова. – Улғайиб тушундимки, бундай эътирофлар ўз-ўзидан берилмайди. Отам метин ирода соҳиб, қатъиятли инсон бўлган эканлар. Урушдан қайтганларидан сўнг, у ерда олган жароҳатларининг асо-



Шундан кейин 1943 йили 340-пиёда дивизияси 1144-пиёда полкининг артиллерия гуруҳида жанг қила бошлайди. Воронеж-Харьков стратегик операциясида фаол сафдошлари билан 50 нафарга яқин фашист қўшинлари аскарларини, ҳарбий юк ортилган 10 та автомашина ва 6 та пулемётчилар нуқтасини йўқ қилади. Бунинг учун илк мукофоти «Жасорат учун» жангвор медали билан тақдирланади.
Абдусаттор Раҳимов ўз полки билан бирга Днепр, Белгород-Харьков, Черноговск-Полтарск операцияларида иштирок этиб, жасорат кўрсатади. Бу вақтга келиб Абдусаттор Раҳимов жасоратли аскар сифатида танилганди. 1943 йил 1 октябрда ўтар кечаси Киев яқинидаги Борки қишлоғида кечган жангларда душмanning 4 та артиллерия отиш нуқтасини яқсон қилади. 3 октябрь кuni эса душмanning ҳужумига қарши мардонавор курашиб, фашистларни ўққа тутлади. 10 октябрь куниди бўлган жангда эса у 4 та машина ва 11 та юк ортилган аравани йўқ қилишга муваффақ бўлади. Душманни ер билан яқсон қилиш шижоатида сафдошлари билан 3 ноябрь кuni Киев шаҳрига кириб боради. Шаҳарни душмандан озод этишда жасуригини намойён этади.
Абдусаттор Раҳимов уруш якунига қадар деярли ҳар бир жангда катта жасорат, мардлик намуналари кўрсатади. Святошино туманида бўлиб ўтган жангнинг ўзиди душмanning 20 та юк ортилган аравасини, 2 та юк машинаси ва 20 нафардан ортиқ фашист аскарларини йўқ қилган.
1944 йил 10 январиди Совет Иттифоқи қаҳрамони юксак унвони билан тақдирланган.
Шиддатли ва оғир кечган жангларда у яна бир бор жароҳат олади. Даволаниб чиққач, 163-ўқчи дивизияси 365-артиллерия полкида фашистларга қарши курашни давом эттиради. Навбатдаги жангда Венгрия шарқида, Дебрецен операцияси бўлди. Венгрия қўшинларига қарши курашда Абдусаттор Раҳимов душмanning 2 та танки, 3 та юк автомашинаси ва 3 та пулемёт нуқтасини йўқ қилган. Бу жасорати

Унинг номи ўша даврда Совет армияси аскарлари учун урушда қон кечган сафдошлари душманга зарба бериш, фашизмни яқсон қилишда Абдусаттор Раҳимовдек бўлишга интилгани шубҳасиз.
Уруш давридаги матбуот наманганлик юксак жасорат соҳибининг ғалабали одимлари ҳақида бот-бот бонг уриб турди. Нашр этилган газеталарни арақлаб, ўзбек ўғлонининг юксак ғалабалари ҳақида ўқиб, қалбингиз фахр-ифтихорига тўлади.
Хусусан, «Сталин ҳақиқати» газетасининг 1945 йил 7 февралдаги 25-сонидида «Наманганлик Раҳимов – Совет Иттифоқи қаҳрамони» бош сарлавҳаси остида маршал билан суҳбати ҳамда А. Раҳимовнинг жасоратлари берилган. 1976 йили эса «Совет Ўзбекистони» газетасида «Берлин комендант» мақоласи эълон қилинган. Ҳарбий журналист Мумтоз Мухаммедов қаламига мансуб мақолада россиялик адиб Сергей Смирнов ва Абдусаттор Раҳимовнинг дўстлик алоқалари, кўрсатган жасоратлари ҳикоя қилинади.

ратларини сездирмасдан яшадилар. Отамнинг яна бир фазилати, фарзанд тарбиясига жудаям эътиборли эди. Мактабда, маҳаллада болалар билан бўлиб ўтадиган турли учрашувларни қолдирмасдилар. Учрашувларда ёш авлодга тинчликнинг кадр-қиммати-ни тушунтиришдан ҳеч эриммасдилар. Буғунги кунда мамлакатимизда отам сингари уруш қатнашчиларининг номини абадийлаштириш, ҳаёт бўлганларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасида қилинаётган ишлар жуда қувонарли.
Халқимиз жасоратли, асл фарзандлари номини ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг жасоратга йўғрилган ҳар бир ҳаракатини ўсиб келаётган ўғил-қизларига намуна қилиб кўрсатади. Ёш авлодди ҳам мард, жасур этиб тарбиялашга интилади. Шу маънода кичик сержант, уруш қаҳрамони Абдусаттор Раҳимов бугун наманганлик ёшлар учун гурур-ифтихор рамзига айланган, десак муболаға бўлмайди.

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ, журналист.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ қурилиш соҳасида ҳудудий нazorат инспекцияси жамоаси

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини хотири ва қадрлаш кuni билан чин қилдан кўтлайди. Сизларнинг жасоратингиз ва мардонавор меҳнатингиз олдида ҳамيشа таъзимдамыз. Халқимиз, ёш авлоднинг бахтига доимо амон бўлинглар! Юртимиз тинч, осмонимиз муссаффо бўлсин!



ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КUNI
MAY



овозлари эшитилди. Шунда у отининг бўйнидан кучоқлаб, остига осилиб қочишга мажбур бўлди. Ўз отрядига соғ-омон етиб келиб воқеани баён қилади ва душмани топиб, тор-мор қилишга киришиш учун у йўл кўрсатиб боради. Аммо бояги ҳудудда немис бўлини маси йўқ эди. Қалин қор бўлгани учун уларни изидан бориб, бир неча километр юриб, душмани топиб, асосий қисмини қириб ташлашга эришилади. Асирга олинган душмандан қимматли маълумотга эга бўлинганини инобатга олган кўмондонлик Омон отани III даражали «Шухрат» ордени билан тақдирлайди.

– Отам ўз хотираларида яна бир ҳаяжонли воқеа – жанг майдонидаги сафдошларига термосда овқатни элиб қайтаётганида душман самолёти учиб, уни пулемётда ўққа тутди, – дейди Мирағзам ота. – Ўқлар тегмагач, улар айланб келиб яна отамни отишади. Натижа бўлмагач эса бомба ташлайдилар. Оқибатда охирги бомба портлагач, отам траншеяда бўлгани учун тупроқ тагида кўмилиб қолади. Назорат пунктидан ҳолатни кўриб турган командирлар эса оқолда тупроқ тагида қолиб, ўлган деб хулоса қилишади. Чунки, улар тупроқ остидан бир амаллаб чиқиб олгунларича бир қанча вақт ўтиб бўлган эди. Аммо жанг майдонидан амаллаб қутулиб келганларида дўстлари хурсанд бўлиб, кучоқ очиб қутиб олишади. Эътиборлиси, тирик қолганининг сири ўзи билан олиб юрган термосда экан. Маълумки, Иккинчи жаҳон урушида партизанлар ҳаракати катта аҳамиятга эга бўлиб, душман устидан ғалаба қозонишга муносиб ҳисса қўшган. Украина ва Беларусь ҳудудларида фашистларни титратадиган бирлашган партизанлар ҳаракати бўлиб, уларни кўмондон икки марта Совет Иттифоқи Қахрамони Сидор Ковпак бошқарган. Отам С. Ковпак қароргоҳига махфий ҳужжатни етказиш учун юборилди. Улар бу ишончли тўла оқлаб, зарур ҳужжатни ўз эгасига топширадилар. Ўша даврнинг афсонавий кўмондонларидан бири бўлган С. Ковпак билан учрашганларини фахр билан сўзлаб берган эдилар.

Халқимизда «қирқ йил уруш бўлса ҳам ажали етган ўлади» деган пурмаёно ҳикмат бор. Омон ота 1946 йил она Ватанимизга, туғилиб ўсган Тошкентга қайтди ва шу йили оила қурди. Марҳамат она билан 46 йил бирга яшаб, 12 нафар фарзанд кўришди. Уларни билимли, касб-корли қилиб вояга етказишди.

Хотира билан инсон тирик. Тарихий хотира одамни беғамлик ва бефарқликдан уйғотади, ғафлат ботқоқига ботишига йўл қўймайди. Ташаббускор ва фидойи, ҳалол ва ориятли бўлишга, бир сўз билан айтганда, ҳамиша инсон бўлиб яшашга даъват этади. Тарихдан хулоса чиқариб, тинч-оқсоқ ҳаётимизнинг қадрига етиб, барқарорликни ардоқлаб яшашга бизга хотира ёрдам беради. Қадрлаш она диёримизни, халқимизнинг озодлиги ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш демакдир.

Хотира ва қадрлаш кунининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, бу айём нафақат сифимизда тетик юрган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига меҳр-оқибат кўрсатишга, айни чоғда, бир-биримизни қадрлаб ва ардоқлаб яшашга даъват этади.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Хотира билан инсон тирик

Уруш ўз номи билан уруш экан. Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб оилаларнинг ёстиғини қуритди. 1941 йилда Ўзбекистонда 6 миллион аҳоли яшаган бўлса, Иккинчи жаҳон урушида бир ярим миллион юртдошларимиз жанг майдонларида иштирок этишди, уларнинг беш юз мингдан ортиғи эса Ватанга қайтмади...



Омон ота Тўлаганов фронтнинг оғир жангларда иштирок этиб, душманга қарши бўлган жангларда жонини таҳликага қўйган, лекин Ватанига соғ-саломат қайтган ўзбек аскарларидан бири бўлган. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон уруши ғалабасининг 75 йиллиги арафасида биз Омон бобонинг фарзанди Мирағзам Омонов билан сўхбатлашиб, отасининг ҳаёт йўллари, уруш йилларида кўрсатган жасорати ҳақидаги воқеаларни эслаб, хотирладик.

– Отам Омон Тўлаганов 1915 йил 27 февралда Тошкент шаҳрининг Чигатой дарвоза даҳасида савдогар оиласида дунёга келганлар, – дейди фахрий темирйўлчи Мирағзам Омонов. – Улар оилада 6 та ўғил 4 та қиз бўлишган. Бувимиз отамнинг болалик даврида бу дунёни тарк этган. Бувам Тўлаган ота меҳнатқаш, ҳалол инсон бўлгани учун фарзандларини ҳам меҳнатга, сабр ва матонатга ўргатиб тарбия қилган. Бироқ, тақдир Тўлаган отага шафқат қилмади. Қизил империя-

нинг қатағонига учраб ноҳақ сургун қилинди. Шу боис Кўкалдош мадрасаси ҳудудида ўтган отамнинг ўспиринлик даври жуда оғир кечди. Отам 1939 йил Собик Иттифоқ армиясига қаққилиб, 1941 йил бошланган урушда Украина ҳудудларида энг оғир кечган жанг майдонларида иштирок этди. Иккинчи жаҳон уруши ғалабасини 1945 йил 9 май санасида Берлинда қутиб олишган....

Омон отани хотирлар эканмиз, кўз ўнгинида даҳшатли жанг майдонлари, не не ўзбек ўғлонларининг она Ватан, эл учун, унинг тинчлиги ва озодлиги учун қон кечиб бўлсада ёвлар билан тўқнаш келганларини ва ҳар он ғалаба сари интилганларини тасаввуринида ҳосил қиласиз. Энг муҳими, халқимиз мард фарзандларини асло унутмайди, қахрамонлари номини қалбларда мангу сақлайди. Омон ота ҳам уруш йилларида кўрсатган жасорати туфайли бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланган. Ушбу орден ва медаллар, кўмондонлик томонидан берилган

ташаккурномалар пойтахтимизнинг Олмазор туманида бунёд этилган Ғалаба боғидаги «Шон-шаҳраф» музейи экспонатлари қаторидан ўрин олгани халқимизнинг уруш қатнашчиларига бўлган юксак ҳурмати ифодаси рамзидир.

Мирағзам аканинг айтишича, Омон ота фарзандларига урушда кечган воқеалар ҳақида жуда кўп ҳикоя қилиб бераркан. Омон ота уруш йилларида отлик дивизияда хизмат қилган, аянчли уруш давларини шундай хотирлаган эканлар...

Украинада босқинчиларни таъқиб этиб Днепр дарёсининг нариги қирғоғига ўтишда душман тиш-тирноғи билан жанг қилиб, қаршилиқ кўрса-

тади. Ҳамма кучини сафарбар этиб, жангчиларимизнинг дарёдан ўтишига йўл қўймайди. Бунинг натижасида эса шиддат билан понтон кўприкларидан ўтаётганда фашист бомбаси тушади ҳамда барча аскарлар билан бирга Омон ота ҳам дарёга кулайди. Бироқ, у сузишни билмас, шу сабабли сувга фарқ бўлган. Кўзини очганида эса унинг қўлида нимадир ўралган ҳолда дарахга оёғидан осиб қўйилган экан. Билса қуролдошлари қутқаришибди, қўлига ўралган нарса эса отининг думи экан. Шу тариқа от уни дарёдан олиб чиққан экан.

Яна бир воқеа киш пайтида бўлиб, Омон ота отлик разведкада бўлгани сабабли Украина ҳудудини озод қилишда уларнинг командири махфий пакет бериб, штабга етказишни буюради. Тун пайти эди. Чопиб кетаётган от бирданига тўхтаб, олди оёқларини тираб, юрмай қолади. Хириллаган товуш чиқара бошлагач, от устидаги Омон ота тикилиб қараса, олдинда қора шарпали фашистлар кўринади. Отни оққа буриши билан ўқ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

юртимиз тинчлиги, осойишталиги, тараққиёти, чегараларининг дахлсизлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча ватандошларимизни
9 май – Хотира ва қадрлаш куни,
шунингдек,
Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги билан самимий муборакбод этади.



ҚАРОР ВА ИЖРО

ТРАНСПОРТ СОҶАСИДА кадрлар тайёрлаш тизимидаги муҳим қадам

Ҳозирда аҳолининг транспорт хизмати кўрсатиш тизимига бўлган эҳтиёжи ортган. Ўзбекистон транспорт тармоғининг барча йўналишларини ривожлантиришда эса жамиятимиз малакали, ҳар томонлама етук билимли ва жаҳон талабларига мос келадиган салоҳиятли кадрларга таянади. Бу жараёнда эса табиийки, таянч олий таълим даргоҳи муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа тараққиётида аҳамиятга молик қадамлардан бири бўлди.

Маъмур қарорда транспорт тизими учун мутахассис кадрларни комплекс тайёрлаш, таълим сифатини ошириш, тармоқ олий таълим муассасаларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсади муқассам. Шунингдек, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш ҳамда юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш каби устувор йўналишлар мазкур қарорнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.



тажрибаларни татбиқ қилишдан иборат эканини кўришимиз мумкин. Авваллари, талабаларимиз малака ва билимларини хорижда ошириб келган бўлсалар, эндиликда ушбу янги муассасанинг ташкил этилиши муносабати билан мутахассисларни ўзимизда, яъни ички таълим ва амалий салоҳиятдан фойдаланган ҳолда пухта тайёрлаш мақсад қилиб қўйилди.

– Янги ташкил этилган Тошкент давлат транспорт университети 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб таълимда кредит модул тизимини қўлайди ҳамда ўқув режалар, дастурлар, малака талаблари хорижий таълимдан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилади, – дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти проректори Абдулазиз Ғўломов. – Шу билан бирга таълим йўналишлари ҳам жаҳондаги илғор транспорт университетлари қатори қайта кўриб чиқилади. Мавжуд 48 та йўналишдан 18 та йўналиш танлаб олинди, улар хорижий дастурлар

ни ўз ичига қамраб олади. Бугунги кунга қадар транспорт соҳасидаги ислохотлар алоҳида амалга оширилган эди. Темир йўл, автомобиль йўллари, ҳаво йўллари тармоғининг салоҳиятидан фойдаланиб, уларни кўпроқ интеграцияга бўлган эҳтиёжини инobatга олган ҳолда мазкур университет қолган илмий ва фундаментал тадқиқотларни, инновацион лойиҳаларни бир тизим доирасида жамлаш, унинг ечимини топишга қўлай имконият яратилмоқда.

Темир йўл соҳасида юк ташиш бўйича, экспорт, транзит салоҳияти бўйича ва яна бошқа кўплаб йўналишларда малакали, билимли мутахассислар керак. Утган йиллар давомида Марказий Осиёда теъзорар йўловчи поездлари йўлга қўйилди. Бу каби поездларнинг ҳалқаро миқёсда ҳам ҳаракатланиши учун албатта малакали мутахассислар зарур бўлади. Маълумки, Ўзбекистон темир йўлларининг улкан заводлари бор, у ерда юк ва йўловчи ташиш вагонлари ишлаб

чиқарилади. Ишлаб чиқариш жараёнига асосан Тошкент темир йўл муҳандислари институти битирувчилари жалб этилган бўлса, эндиликда университетнинг ташкил этилиши билан бу борадаги муаммолар ҳам ҳал этилади. Яъни, мазкур таълим даргоҳини тамомлаган ёшлар бир йўналишда эмас, кўплаб йўналишларда ишлаш салоҳиятига эга бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат, эндиликда транспорт соҳасидаги ташкилотлар билан биргаликда бакалаврият ва магистратура талабаларининг малакавий ва ишлаб чиқариш амалиётларини тегишли соҳа корхоналарида ташкил этиш ҳамда битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида мақсадли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу эса университет битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга йўналтириш, уларнинг касбий фаолияти мониторингини тизимли ташкил этиш имкониятини яратди. Қўшма таълим дастурлари, илмий лойиҳаларни амалга ошириш, замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади.

Давлатимиз раҳбарининг маъмур қарори билан профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг хорижда малакасини ошириш ва стажировкаларини ташкил этиш ҳамда битирувчиларнинг магистратура, аспирантура ва докторантура дастурлари бўйича тахсил олишларини таъминлаш мақсадида хорижий етакчи олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш вазифалари белгилаб қўйилди.

Маълумки, транспорт соҳасида билим олаётган талабаларнинг олган назарий билимларини амалиётда қўллаш мақсадида таълим даргоҳининг ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш устуворлик касб этади. Шу сабабли ҳам транспорт соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизimini яратиш, тасарруфидаги академик лицей ҳамда профессионал таълим муассасалари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва ўз-ўзини таъминлаш мақсадида бир қатор чора тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Наргиза МИРЁҚУБОВА, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ

Ҳар қандай давлатда транспорт тармоғи иқтисодийнинг муҳим бўғини, уни ҳаракатлантиришда етакчи кучлардан биридир.

Назорат кучайтирилди

Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш мамлакат ривожига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, аҳолининг турмуш тарзини юксалтириш, одамларга қўлай шарт-шароит яратишнинг муҳим омилли ҳисобланади. Шунинг учун кейинги пайтда юртимизда автомобиль йўлларини сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги «Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, айниқса узоқ мuddатли истиқболга мўлжалланган йўл қурилишини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Айтиш жоизки, бизда автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлашда ўзига хос тажриба тўпланган. Аммо ушбу иншоотларни сақлаш, узоқ мuddат фойдаланиш борасидаги талабларнинг бажарилмаслиги сифат кўрсаткичининг мuddатидан аввал пасайишига сабаб бўлмоқда.

Йўллардан фойдаланувчиларнинг эътирозларидан бири янгидан қурилган ёки таъмирланган кўчалар кўп вақт ўтмасдан турли баҳоналар билан қайта бузилиши, яъни қазиларни олиб бўрилишидир. Йўлнинг ўша қисми сифатсиз тикланиши кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонуни талабларига кўра йўл қайси юридик шахс ихтиёрида бўлса у билан келишмасдан ҳар қандай ҳаракат – ариқ, каналлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, қувурлар, темир йўллар ёки бошқа коммуникация тармоқлари ўтказишга рухсат берилмайди. Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлларда ўзбошимчилик билан сунъий нотекисликлар ўрнатиш ҳолатлари ҳам автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар учун ноқулайлик туғдираётди.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 7 июлдаги қарори билан сунъий нотекисликлар бўйича давлат стандарти тасдиқланган бўлиб, унинг талабларига кўра, яхлит тузилишли сунъий нотекисликнинг максимал баландлиги 7 сантиметрдан ошмаслиги ва оғоҳлантирувчи йўл белгиси ўрнатилиши лозим. Шунингдек, давлат стандартида сунъий нотекислик ўрнатилиши мумкин бўлган йўллар ва ўрнатилиши тақиқланган ҳолатлар аниқ

белгилаб қўйилган. Сунъий нотекисликлар ўрнатишда ушбу талаблардан ҳар қандай чекиниш автомобиль йўлларда ҳаракат хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Қўқоридаги каби муаммоларга барҳам бериш ҳамда автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш учун «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2020 йил 22 январдаги қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 147-моддасига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, эндиликда автомобиль йўллари нотекисчилик билан қазилар, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек, йўлларни сақлаш қоидаларини бузишда ифодаланган қилмишлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, бунинг учун фуқароларга базавий ҳисоблаб, миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса – ўн баравари миқдорда жарима солинади.

Ушбу қонун жорий йилнинг 23 апрель кунда амалга киритилади. Бу бизнинг зиммамизга ҳам қўшимча масъулият юклайди. Масалан, автомобиль йўллари ўзбошимчилик билан қазилар, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек, йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик ҳолатлари бўйича «Ўзйўл инспекция»нинг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилиши белгилаб қўйилди.

Албатта ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг белгилаши ушбу соҳадаги қонунда бузилишларнинг қамқайишига ижобий таъсир кўрсатади. Лекин автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш кўп жиҳатдан уларни бажаришга масъул бўлган идоралар вакиллари ҳамда фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятига бевосита боғлиқдир. Доно халқимиз «Йўл қурмоқ савоб», деб бежиз таъкидламайди, зеро йўллар халқ фаровонлиги даражасини, мамлакат иқтисодийнинг қудратини намоён этувчи асосий инфратузилмалардан бири ҳисобланади.

Адхам ҚАРШИЕВ, «Ўзйўл инспекция»нинг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи.

Жиззах вилояти: «Обод қишлоқ» дастури амалда

Жиззах вилоятининг 12 та тумани ҳамда Жиззах шаҳрида 2019-2020 йилларда «Обод қишлоқ» дастури доирасида бир қатор қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Биргина вилоятнинг Арнасой тумани марказида янги кутубхона, Бандлик кўмаклашиш маркази, Хотира хиёбони ва Мотамсаро она ҳайкали барпо этилди. Аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, уларнинг уй-рўзгор маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада кенгроқ қоплаш мақсадида 2 қаватли супермаркет қурилди. Туманда янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган «GOLTEX» тивук фабрикасида эса бугунги кунга келиб ҳудуддаги 860 нафар банд бўлмаган аҳоли қамраб олинди. Аҳолининг маданий ҳордиқ олишини самарали ташкил этиш мақсадида қуриб битказилган Маданият маскани биноси кўплаб маданий тадбирларни ўтказиш учун ўз эшикларини очди.

Мамлакатимизда инвестицион жобадорликни янада ошириш орқали хорижий сармоядорларни юртимизга кенг жалб этиш ишлари ўз самарасини бермоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ривожланган Арнасой тумани ҳудудида 2019 йилнинг ўзиде 2 та масжид қурилиб, 4 та умумтаълим мактаби, «Ғунча» ва «Наврўз» МТЛар тўлиқ қайта таъмирланди.

– Бу каби эзгу ишлар Баҳмал туманида ҳам давом эттирилмоқда, – дейди Жиззах вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Баҳодир Мавлонов. – Мазкур туман ҳудудида ҳам Хотира майдони ва Мотамсаро она ҳайкали, шунингдек аҳолининг маънавий дунёсини кенгайтиришга хизмат қилувчи миллий кутубхона барпо этилди. Кам таъминланган ва уй-жойга эҳтиёжи бўлган фуқароларнинг рўйхати шакллантирилиб, 4 қаватли 36 хонадонга мўлжалланган янги уй қурилди ва фойдаланишга топширилди. Эътиборли жиҳати, ушбу намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз томонидан тақдим этилган қурилиш маҳсулотлари асосида бунёдкорларимиз меҳнати эвазига қад кўтарди.

Вилоятнинг Ғаллаорол туманида ҳам «Обод қишлоқ» дастури доирасида кенг қўламли қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Жумладан, Бандлик кўмаклашиш марказининг янги биноси ва 5 та МТТ янгидан қурилиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Замонавий ва кўркам услубда бунёд этилган марказий оливайи поликлиниканинг зарур асбоб-ускуналар ва малакали тиббиёт ходимлари билан тўлдирилган ҳолда топширилиши ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги наватдаги эзгу амаллардан бири бўлди десак, муболаға бўлмайди. Бугунги кунда бу ерда аҳолининг қатламга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. 4 қаватли 68 хонадонга мўлжалланган янги уйлар, Қўйтўш шаҳарчасида маданият саройи, «Баракка чеварлари» тивук фабрикаси қурилди. Шунингдек, Халқ банки, «Агробанк» ва «Микрокредит-банк»нинг туман филиаллари бинолари, 60-сонли умумтаълим мактаби, 2 та МТТ ҳамда марказий деҳқон бозорлари қайта таъмирдан чиқарилди.



Дўстлик туманида эса қуриб битказилган «Ёшлар меҳнат гузар»да бугунги кунда китоб дўконлари жойлашгани ёшларга бир қатор қўлайликларни яратмоқда. Аҳолининг банд бўлмаган қатламга турли ташкилот ва корхоналар томонидан тақдим этилаётган бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар эса барпо қилинган Бандлик кўмаклашиш маркази томонидан тақдим этилаётгани эътиборга молик. Солиқ тўловчиларга замонавий хизмат кўр-

сатиш тизимини ошириш мақсадида эса Дўстлик туманида Давлат солиқ инспекциясининг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Зафаробод туманида ҳам бир қатор қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Айниқса, бир неча банк муассасаларининг туман филиаллари биноси, Бандлик кўмаклашиш маркази, Маданият маркази ҳамда МТТ, БУСМнинг янгидан фаолияти йўлга қўйилгани эътиборга молик. Алишер Навоий ҳайкали ҳамда Хотира хиёбонининг янги мажмуаси қурилгани, унинг атрофи обод қилиниб, кўкаламзорлаштирилгани эса халқимизнинг ўтмиш маданияти ва адабиётга бўлган онгини қўллашга хизмат қилмоқда. 120 ўринга мўлжалланган «Зафаробод чеварлари» тивук фабрикасининг ташкил этилгани ҳамда Хотира хиёбонининг янги мажмуаси қурилгани, унинг атрофи обод қилиниб, кўкаламзорлаштирилгани эса халқимизнинг ўтмиш маданияти ва адабиётга бўлган онгини қўллашга хизмат қилмоқда. 120 ўринга мўлжалланган «Зафаробод чеварлари» тивук фабрикасининг ташкил этилгани ҳамда Хотира хиёбонининг янги мажмуаси қурилгани, унинг атрофи обод қилиниб, кўкаламзорлаштирилгани эса халқимизнинг ўтмиш маданияти ва адабиётга бўлган онгини қўллашга хизмат қилмоқда. 120 ўринга мўлжалланган «Зафаробод чеварлари» тивук фабрикасининг ташкил этилгани ҳамда Хотира хиёбонининг янги мажмуаси қурилгани, унинг атрофи обод қилиниб, кўкаламзорлаштирилгани эса халқимизнинг ўтмиш маданияти ва адабиётга бўлган онгини қўллашга хизмат қилмоқда.

Байроқ мажмуаси, Хотира хиёбони, Мотамсаро она ҳайкали, туман маҳалла маркази бугунги кунда Жиззах вилоятининг Зафаробод туманига кўркамлик бахш этиб турибди. Уларнинг маҳобати ва миллий архитектура аъёналари асосида замонавий кўринишда барпо этилгани эса эътиборга моликдир. Булардан ташқари, «Обод қишлоқ» дастури доирасида ҳудудда 4 та китоб дўкони, «Бўстон» текстил тивук фаб-

рикаси, 400 нафар ишчи ходимларни ўзида жамлаган Зафаробод логистика маркази ҳамда Ўзбек-турк қўшма корхонаси бунёд этилди. Анча йиллардан бери таъмирталаб бўлиб турган Зафаробод тумани ҳокимлигининг биноси ҳам тўлиқ реконструкциядан чиқарилиб, замонавий мебель ва компьютер жиҳозлари билан таъминланди.

Жиззах вилоятининг Зомин тумани мамлакатимиздаги энг баҳаво, қурут масканлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳам дастур доирасида амалга оширилган ишлар кўлами кенг. Жумладан, Ёшлар маркази, Бандлик кўмаклашиш маркази, Ветеринария марказининг янги бинолари қад кўтарди. Даштобод шаҳарчасида эса уй-жойга муҳтож аҳоли вакилларига 130 та намунавий лойиҳалар асосидаги уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бир вақтнинг ўзида бу ерда йирик савдо шохобчиси иш бошлади.

Марказий кўчада Хотира хиёбонининг ташкил этилгани, унга туташ ҳудуддаги кутубхона ҳамда 5 қаватли 60 хонадонга мўлжалланган янги уйлар, булардан ташқари 2 та супермаркет, Давлат хизматлари маркази биносининг янгидан қад кўтаргани, 6 та МТТ ва янги бозорнинг қурилиб фойдаланишга топширилгани эса форишликларни мамнун қилди.

– Вилоятимиздаги ёшларнинг бўш вақтини умумли ташкил этиш, уларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, маънавий дунёқарошини янада кенгайтириш мақсадида қатор танловлар ва китобхонлик акциялари ўтказиш режалаштирилган, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Жиззах вилояти бўлими бош мутахассиси Улуғбек Умрзоқов. – Бу жараёнда барпо этилаётган кутубхоналар, маданият муассасалари, боғ ва хиёбонлар, маърифат масканларининг ўрни катта бўлмоқда. Жумладан, Шароф Рашидов тумани марказида Электрон кутубхона замонавий кўринишда ёруғ ва шинам қилиб барпо этилди. Эътиборлиси, ушбу бино зарур жиҳозлар, компьютер воситалари, электрон китоблар, видео-аудио манбалар билан тўлиқ таъминланди. Унга туташ ҳудудда қурилган китоб дўкони аҳоли, айниқса ёшларнинг маънавиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Туманда молия муассасаларининг филиаллари, шунингдек, 8 та МТТ, Маҳалла гузару, туман солиқ инспекцияси, Бандлик кўмаклашиш марказининг ҳам янги бинолари қурилди. Электр тармоқлари корхонаси ҳамда ФХД, «Дуторчи қизлар» тўғарак биносининг янгидан қад кўтариши аҳолини мамнун қилди. Спорт турлари, жумладан футболни ривожлантириш мақсадида эса ёшлар учун 3 500 ўринга мўлжалланган янги стадион ҳам барпо этилди. Шароф Рашидов тумани ҳокимлиги мутасаддилари эндиликда янги битказилган бинода фаолият юритаётган бўлсалар, 13-сонли умумтаълим мактабининг ўқувчилари эса янги қурилиб, ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган муассасада тахсил олиш имкониятига эга бўлдилар.

Вилоятнинг Мирзачўл туманида барпо этилган 2 та 4 қаватли уйлар, мини-стадион, кимёвий ўғитларни савдосига мўлжалланган шохобча, чорвачилик мажмуаси ҳамда «Мирзачўлтекс» тивук фабрикаларининг янгидан замонавий кўринишда барпо этилиб, фойдаланишга топширилгани ҳам «Обод қишлоқ» дастури доирасидаги эзгу ишларнинг наватдагиси бўлди.

Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган Давлат хизматлари марказининг замонавий биноси ҳам аҳоли учун малакали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Булардан ташқари, қад ростлаган МТЛари, туман газ корхонаси биноси, Хотира майдони, Мотамсаро она ҳайкали ҳамда истироҳат боғлари фойдаланишга топширилгани ҳудуд аҳолиси учун муносиб тўхфа бўлди.

Жиззах вилоятида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби аҳолини уй-жойлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Пахтакор тумани ҳудудидаги 1-, 2-, 3-масивларда жами 747 та, 2 та 4 қаватли, 60 та 2 сотихли намунавий лойиҳалар асосидаги уйлар қурилиб, ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олишлари учун эса 3 та умумтаълим мактаби, 4 та МТЛари қайта таъмирдан чиқарилиб, зарур асбоб-ускуналар, мебель жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, «Пахтакор ТЭХТЛ», «Пахтакор GOLD» ҳамда «Жиззах инвестстрой» МЧЖлари учун янги биноларнинг қурилиши ҳудудда ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Жиззах шаҳри вилоятнинг маркази ҳисобланади. Бу ерда ҳам кейинги йилларда кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, ўтган 2019 йилнинг ўзиде шаҳар марказида Миллий банк, Давлат хизматлари маркази ва вилоят Халқ қабулхонаси, «Наврўз» МФЙда эса вилоят Қурилиш бошқармаси биноси, шунингдек, Қўғирчоқ театри, «Олмазор» МФЙ ҳудудида 7 қаватли 2-3 хонали 2 минг 600 хонадонга мўлжалланган арзон уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Олиб борилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг барчаси элимиз фаровонлиги йўлида қилинган самарали меҳнат маҳсулидир. Жорий йилда ҳам бу каби ишларнинг давом эттирилиши режалаштирилган.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат вазирлиги

«Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

T/p	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи, сўмда ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1.	Термиз шаҳри, «Маърифат» МФЙда жойлашган 6-сонли мактаб локал қозонхонасини модернизация ва реконструкция қилиш	638 605 046	60 кун
2.	Самарқанд шаҳри, Рудаки кўчаси, 96-уйда жойлашган «РК-1» марказий қозонхонасини модернизация ва реконструкция қилиш	85 305 785 425	360 кун
3.	Наманган шаҳри, Охунбоев кўчасида жойлашган кўп тармоқли шифохона локал қозонхонасини модернизация ва реконструкция қилиш	2 513 685 878	90 кун
4.	Термиз шаҳри, А. Темур кўчасида жойлашган 1-сонли мактаб локал қозонхонасини модернизация ва реконструкция қилиш (ТАНЛОВ)	754 915 181	60 кун
5.	Термиз шаҳри, «Маърифат» МФЙда жойлашган 6-сонли мактаб локал қозонхонасини модернизация ва реконструкция қилиш (ТАНЛОВ)	638 605 046	60 кун

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат вазирлиги «Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Даввогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур: айланма маблағлари танлов савдоси предмети 20 фоиздан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш таърибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

Шунингдек, тендерда иштирок этувчи корхоналар ўз таклифларини лойиҳа доирасида ўрнатилган қозонхонага 3 йиллик кафолати ва сервис хизмати билан тақдим этишлари керак.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижий қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган: улар бўйича импорт қилувчилар қонунчилигига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари иш (хизмат) ларни импорт этказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Таъкидланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот

порталдан юклаб олиш мумкин. Тендер таклифларини қабул қилишни охириги муддати Тендер ташкилотчиси томонида уч календарь кун аввал (тендер эълон қилинган кундан бошлаб 15 календарь кундан кейин) талабгор ташкилотларга маълум қилинади.

Иштирокчилар ўз корхоналарини талабгорлар рўйхатига киритиш ҳамда тендерда қатнашиш тўғрисидаги сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари лозим: Тошкент шаҳар, Абай кўчаси, 6-уй.

Тел.: (71) 244 12 17.

E-mail: tender_tash@bk.ru

Оферталарни очиб www.xarid.uz махсус ахборот порталда эълон берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин амалга оширилади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сирдарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объект бўйича

ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

T/p	Объектлар номи	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилиш муддати
1.	Янгийер шаҳрида Давлат хизматлари агентлиги биноси қурилиши	3 341 847 847	182 кун
2.	Мирзаобод туманида Давлат хизматлари агентлиги биноси қурилиши	3 363 939 558	161 кун
3.	Оқолтин туманида Давлат хизматлари агентлиги биноси қурилиши	4 317 045 848	180 кун

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Буюртмачи: Сирдарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзили: Гулистан шаҳри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уй.
Тел.: 67-227-63-86.
Тендер иштирокчилари иш (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқати ваколатларига эга ва таърибали бўлишлари шарт.

Тақлифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровнома билан савдо ташкилотчиси Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзилига мурожаат этиши мумкин: Гулистан шаҳри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уй.
Тел./факс: 67-227-64-84, 227-64-42.

Электрон манзил: tender-12@mail.ru

Тақлиф (оферта)лар савдоси ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати – оферталар очилиш кунини ва соати.
Тақлиф (оферта)лар очилиши xarid.uz махсус ахборот порталда жойлаштирилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Гулистан шаҳри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уй (Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази биноси).

ИШБИЛАРОМ ВА ТАДБИРКОРЛАР ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«IFODA UNIVERSAL INVEST» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

«Тошкент механика заводи» АЖнинг буюртмаси ва ушбу жамият таъсисчиларининг йиғилиши қарорига асосан «Тошкент механика заводи» АЖга тегишли, Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 27-уйда жойлашган умумий ер майдони – 0,68 квадрат метр, қурилиш ости майдони – 1 055 квадрат метр, умумий фойдали майдони – 2 483 квадрат метр бўлган кадастр ҳужжатидagi биринчи ва иккинчи литердаги битта бино ва битта қурилиши тугалланмаган база ҳудуди бино иншоотларини белгиланган тартибда очик аукцион савдолари орқали сотувга қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил 10 июнь кунини, соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 9-а-мавзеси, 14-уй, 54-хонадаги «IFODA UNIVERSAL INVEST» МЧЖ идорасида бўлиб ўтади.

Ариза қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин, расмий иш кунлари, яъни 2020 йил 8 июнь соат 11.00 дан тўхтатилади. Шу кунни сотилмай ёки талабгорлардан аризалар тушмаган тақдирда бино иншоотлар 2020 йил 17-24 июнь ва 1 июль кунлари ўтказиладиган навбатдаги очик аукцион савдоларига қайтадан қўйилади.

Мулкнинг бошланғич баҳоси – 9 000 969 500 (тўққиз миллиард тўққиз юз олтинчи тўққиз минг беш юз) сўм.

Закалат миқдори – 180 019 390 (бир юз саксон миллион ўн тўққиз минг уч юз тўқсон) сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – паспорт нусхаси;

- хорижий юридик шахслар – уларнинг устави белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

- хорижий фуқаролар – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти;

- Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

- закалат пули тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдода қатнашиш истагини билдирувчилар савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 2 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлашлари шарт: 2020 8000 9049 6384 6001 АИТБ «Ипак йўли банк» Наманган бўлими МФО 01054 СТИР 302 107 512.

Ушбу мулкни сотиб олишга қизиқиш билдирганлар мулкни бориб жойида кўриш, сотиб олиш шартлари ва ўзларини қизиқтирган бошқа саволлар бўйича «ifoda Universal Invest» МЧЖ Риэлторлик ташкилотининг қуйидаги манзил ва телефон рақамларига мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 9-а-мавзеси, 14-уй, 54-хона ҳамда Наманган вилояти, Наманган шаҳар, Тўрақўрғон кўчаси, 165-уй.

Телефонлар: (90) 223-30-10, (99) 823-30-10.

E-mail: ifoda-universal@mail.ru

Веб-сайт: www.ifodauniversal.uz

Хизматлар лицензияланган.
RR-0154-сонли лицензия.

«Jizzax mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога АТ «Асака» банки Жиззах вилояти филиалининг 2020 йил 30 апрелдаги 112/02-сонли буюртма хатига асосан Мирзаҷўл туманида сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган 9 донга яроқли холдаги NEV HOLLAND TC 5060 русумли галла ўриш комбайнлари мулкнинг мажмуа сифатида 2 370 150 000 сўмга қўйилмоқда.

Ушбу мулкнинг аукцион савдоси 2020 йил 8 июнь кунини, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Автотранспорт воситаси 2020 йил 8 июнь кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 15, 22 ва 29 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ёлибига 10 иш кунини ичига соат тўғриси билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юқлатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 3 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АИТБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалида қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2262 6000 3049 4605 8001 МФО 00122 СТИР 302 149 531.

Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳар Заргарлик маҳалласи, Ёзги Форум, 39-уй.

Тел.: (72) 222-35-77.

Веб-сайт: www.rmm.uz.

4399 рақамли гувоҳнома.

«REZOLYUT TRANS TRADING» МЧЖ

2020 йил 10 июнь кунини, соат 11.00 дан бошлаб бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдоларига «Kuchlik neft bazasi» МЧЖ томонидан 2020 йил 5 май кунини тақдим қилинган 07-6443-сонли буюртманомага асосан Тошкент вилояти, Уртачирчиқ тумани, Кучлик, Истеъдод кўчаси, 58-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 352 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-52. **Бошланғич баҳоси** – 18 764 589 сўм.

2. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 349 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-52. **Бошланғич баҳоси** – 20 443 507 сўм.

3. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 347 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-5204. **Бошланғич баҳоси** – 20 468 035 сўм.

4. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 355 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-52. **Бошланғич баҳоси** – 19 532 993 сўм.

5. 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 346 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-5204. **Бошланғич баҳоси** – 20 537 892 сўм.

6. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 348 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-5204. **Бошланғич баҳоси** – 20 489 488 сўм.

7. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 317 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-5212. **Бошланғич баҳоси** – 23 225 587 сўм.

8. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 332 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 25 258 997 сўм.

9. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 335 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 19 192 276 сўм.

10. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 589 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 19 191 393 сўм.

11. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 587 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 19 193 655 сўм.

12. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 315 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-5312. **Бошланғич баҳоси** – 25 162 380 сўм.

13. 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 597 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 19 224 958 сўм.

14. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 344 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 22 173 677 сўм.

15. 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 305 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 19 213 188 сўм.

16. 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 319 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 22 173 677 сўм.

17. 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 318 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 20 639 593 сўм.

18. 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 341 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 22 187 663 сўм.

19. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 591 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 23 063 368 сўм.

20. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 345 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 23 030 043 сўм.

21. 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 689 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 22 955 788 сўм.

22. 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 324 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 22 407 066 сўм.

23. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 328 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 22 136 062 сўм.

24. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 593 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53. **Бошланғич баҳоси** – 19 196 126 сўм.

25. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 386 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 39 414 023 сўм.

26. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 365 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 39 524 931 сўм.

27. 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 364 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 34 785 432 сўм.

28. 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 369 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 39 429 815 сўм.

29. 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 370 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 34 766 183 сўм.

30. 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 377 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 34 505 163 сўм.

31. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 392 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130 АС. **Бошланғич баҳоси** – 35 021 432 сўм.

32. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 371 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-431418. **Бошланғич баҳоси** – 34 898 333 сўм.

33. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 385 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 35 068 427 сўм.

34. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 393 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-401412. **Бошланғич баҳоси** – 35 407 661 сўм.

35. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 389 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 34 868 956 сўм.

36. 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 384 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 34 547 665 сўм.

37. 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 363 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 34 532 755 сўм.

38. 1966 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 380 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 34 498 665 сўм.

39. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 585 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 39 997 153 сўм.

40. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 387 ОВА, техник носоз бўлган ЗИЛ-130. **Бошланғич баҳоси** – 34 501 738 сўм.

41. 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 502 ОВА, техник носоз бўлган МА3-5337. **Бошланғич баҳоси** – 72 503 149 сўм.

42. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 503 ОВА, техник носоз бўлган МА3-5334. **Бошланғич баҳоси** – 69 722 036 сўм.

43. 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 509 ОВА, техник носоз бўлган

Камол бобо – янгийўлликлар фахри

18 ёшли янгийўллик Камол Рихсибоев 1944 йил январь ойида Ватан ҳимоясига отланган эди. Ўша пайтда қанчадан-қанча ёшлар каби у ҳам жанггоҳларда жасорат кўрсатади.

Армияга чақирилган К. Рихсибоев дастлаб ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, сўнгра Украинанинг Польша билан чегара ҳудудида жангларда иштирок этади. 1945 йил бошида барча жангчилар қатори у ҳам Германия чегарасида жанг қилади. Душманлар устидан ғолиб қозongan жангчилар айнан ўша давлатнинг Ҳамбург шаҳрида ғалабани нишонлайди.

Гарчи уруш тугаса-да, К. Рихсибоев бошқа тенгдошлари қатори яна хизматни давом эттиради. 1949 йилда унга Ўзбекистонга қайтишга рухсат берилади. Янгийўлга қайтган ватандошимиз деҳқончиликка меҳр кўяди. Уйланади. Фарзанд тарбиялайди ва уларнинг орзу-ҳавасини кўради...

Бугун табаррук 95 ёшли Камол Рихсибоев нафақат Ниёзбош қишлоғи аҳли, балки янгийўлликларнинг фахри ҳисобланади. Отаҳон фарзанду неваралари, эвараю чеваралари меҳри билан бир қаторда ҳукуратимиз эъзосу эътиборида. Айниқса, 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш кунида К. Рихсибоев хонадони меҳмонларга тўлиб кетади. Отаҳон уларга уруш даврида ўзбек ўғлонларининг матонатли жанги, ўша пайтдаги оғир ҳаёт, етишмовчиликлар ҳақида гапирар экан, маҳалладошларини, ёшлар-

ни бугунги ҳаётнинг қадрига етиб яшашга ундайди.

– Ватан муқаддас, лекин ҳар бир фуқаро унинг қадрига етиб яшаши керак, – деди отаҳон. – Худога беадад шукр, урушдан омон қайтдик, собиқ тоталитар даврни кўрдик. Ва, ниҳоят мустақиллик шуқуҳини ҳам ҳис этяпмиз. Бу неъматнинг қанчалар тотли ва шарафли эканини жанггоҳларда ҳис этганман. Бугун озод юртда халқимиз фаровон ва бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. Илоҳим, Ўзбекистонимизга кўз тегмасин. Яна энг муҳими, биз, уруш қатнашчилари Президентимиз, ҳукуратимиз эътиборидамыз. Ўтган йили давлатимиз раҳбарининг фармони билан Киеловодскда икки ҳафта дам олиб келдим. Ёнимда ўғлим борди, менга кўмак беришга. Буни қарангки, бу йил давлат раҳбари уруш қатнашчилари ва ногиронларини ўн миллион миқдорда моддий рағбатлантириш бўйича фармонга қўл қўйибди. Бундай қувончли хабардан бошим кўкка етди. Биз, кексаларга кўрсатган ҳурмати учун Президентимизни Яратганинг ўзи қўласин!

Дарҳақиқат, мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳар йили ўзига хос тарзда нишонланиб келинади. Ушбу сана муносабати билан Иккинчи жаҳон

урушида ҳалок бўлганлар хотираси абадийлаштирилади. Сафларимизда бўлган уруш қатнашчилари ва фахрийларимиз эса эъзозланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 30 мартда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони бу ишларни тизимли ташкил этишда муҳим ҳужжатдир. Айни чоғда юртимизда байрамолди мазкур фармон ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

– Ҳукуратимиз томонидан ёши улғу кишиларга катта ҳурмат кўрсатилади, – деди «Янгийўл» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Рихсибоев. – Қолаверса, отам каби барча уруш қатнашчиларига қаратилган бундай эътибордан беҳад хурсандимиз. Президентимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш бўйича қабул қилинган фармони ҳам уларга нисбатан юксак эътирофдир. Ўзим ҳам журналист сифатида ушбу ҳужжат ижроси доирасида туманимизда амалга оширилган ишларни доимий ёритиб бораман. Газетамизда улар ҳаётдан туркум материаллар беришни режалаштирганмиз. Албатта, уларни эъзозлаш ёшларимиз учун аҳамиятли ва ўрнатқилуки ишлардир.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА муҳбири.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий нazorат инспекцияси жамоаси

уруш ва меҳнат фахрийлари
ҳамда юртимиз аҳолисини

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

билан самимий табриклайди.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр,
хонадонингизга файзу барака, тинчлик-осойишталик ва
фаровонлик тилаймиз.

Инсон шаъни юксалган ва меҳнати қадр топган диёримиз
осмони ҳамиша беғубор ва мусаффо бўлсин!

Самарқанд вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*барча кертмовларимизни, Ватанимиз
тинчлиги ва осойишталиги
йўлида мардонавор хизмат килаётган
ҳарбийларни, мамлакатимизнинг
янада гўл-баъиниши йўлида ўзларининг
муносиб хиссаларини
кўйиётган буюкларни
9 май – Хотира ва қадрлаш
куни билан самимий табриклайди.
Можассон Ватанимиз тинч, меҳнатсевар
халқимизнинг турмуши
бундан-да фаровон бўлсин! Барчамиз
уруш қадрли бўлган,
тарихнинг унутулмас воқеалари мисолида
бугунги таълимнинг
қадрига етишли насабат келувчи
кексаларимиз саз-омон бўлайлар!*



**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ
томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир хайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир хайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Исқандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрулов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир
Саҳифаловчи
Мусахҳиҳ

Дилшод Жалолов
Акматав Махкамов
Райҳон Таниқуллова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАСҲЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй,
Телефонлар: 71-244-21-71 (кабулхона), 71-244-05-15 (қотибият),
71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyudokor@mail.uz

Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87,
Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85,
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-553.
2143 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди
ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎЗА яқуни – 01.30. Топширилди – 02.20.